O'ZINGNI ANGLA!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 4 (518)

2007-yil 24-yanvar

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 «Академик Раҳима Аминова»



Қаранг, шу воқеага 60 йил тўляпти. Раҳима опанинг бахти шундаки, 10 йил бўлса ҳам орзу қилгани Ўзбекистоннинг Мустақиллик дамларини кўролди. Меҳнатлари, илми самарасидан баҳраманд бўлолди. Интилгани, соғингани, сиғингани Истиқлол олимани қайта рўёбга чиқарди.

3 «Ҳамкорлигимиз янада ривожланишига ишонаман»

Ўқувчиларга қулай бўлиши учун газета нархини 1 рупий даражасида сақлаб келяпмиз. Кўриб турганингиздек, бу жуда ҳам арзон нарх. Яъни бор-йўғи бир долларга "Аж"нинг 46 та сонини сотиб олиш мумкин.

4 Самарқанд мусаввирлик мактаби

Афросиёб деворий расмлари (VII аср) Ўрта Осиёда араблар истилосига қадар маҳобатли рангтасвирнинг ривожланганидан, Самарқанд унинг маркази бўлганлигидан далолат беради. Бу расмлар ҳанузгача бутун дунё санъатшуносларини ҳайратга солиб келмоқда.

HURRIYATга 2007 йил учун обуна йил бўйи давом этади.

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Сана

# Тошкент — ислом маданиятининг бош кенти

**Агар кишилар бизга бойлиги билан фахрлансалар, мен эса пайғамбарлар мероси-ла фахрлангумдир.**
**Абул-Ҳасан Наср АЛ-МАРҒИЛОНИЙ**

**Омон МУСАЕВ,**
Тошкент Ислом институти катта ўқитувчиси

Келажаги буюк бу элнинг ўтмиши ҳам, бугуни ҳам буюкдир. Башариятга улуғ алломаларни тарбиялаб берган юртнинг эли эса инсоният ичра суюклидир. Яқинда Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири — таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти — ISESCO тарафидан Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эътироф этилиши бежиз эмас, албатта. Зеро, бу юрт Яратганнинг назари тушган муборак замин. Бу эл Меҳрибоннинг меҳри билан йўғрилган элдир.

Ким бу шаҳри азимга нима мақсадда келган бўлса, ўшани топган: оч келса — тўйган ва уни «Тошкент — нон шаҳри» деб атаган; ота-онасизларни эса ўз бағрига олиб: "Сен етим эмассан", деб юпатган. "Самарқанд сайқали рўйи замин аст, Бухоро қуввати исломи дин аст", деган эътирофни қозонган бу элнинг бош шаҳри — Тошкент бугун "Ислом маданияти пойтахти", деб эътироф этилган бўлса, не ажаб!

Бундан 14 аср муқаддам Тангри таоло жаннатнинг таърифини ўзининг буюк Каломи шарифининг қирқдан ортиқ жойида "тагидан сувлар оқар боғлар" деб тавсифлайди ва бир неча жойида бундай жаннат "аҳлининг сўрашуви — салом", деган сўз бўлади, деб таърифлаган. Эътироф этиш керакки, исломий сўрашувни — бир-бирига тинчлик, саломатлик тилашни англатувчи "ассалому-алайкум" ибораси ҳеч юртда ва ҳеч қайси



халқда бизнинг минтақадагичалик кенг тарқалмаган. Бошқа халқлар, жумладан, араблар ҳам, саломлашиш учун турли вақтда турлича ибораларни қўллайдилар. Шу тавсифни бирор юрт, элга қиёслаш жоиз бўлса, бундай муборак замин — бизнинг ўлка ва Худо ёрлақаган бундай эл — бизнинг халқимиз, дегим келади. Қолаверса, Қуръони карим оятларидан тўйида қувонувчи эл, азасида таскин топиб юпанувчи эл — бу бизнинг халқимиз; ҳар бир муборак ишини тиловатдан бошлагувчи халқ — бу бизнинг элимиз; илмни зару зўрдан юксак тутган, илмлини уйининг тўрида кутган халқ — бу бизнинг халқимиздир. Холисан лиллоҳ элга зиё таратиш, уни яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтариш учун ҳар қандай фурсатни — тўй ҳашамию маросимларини ғанимат тутган, савоб ишни ҳар куни қилишга камарбаста эл — бизнинг халқимиздир.

Бош шаҳримиз — пойтахтимиз Тошкентга берилган бу юксак унвон фозилу олим аждодларимиз чеккан заҳматларнинг эътирофи ва ўша аждодларнинг муносиб ворислари — ҳозирги улуғларимизнинг ҳакимона тадбирларининг самарасидир. Зотан, Аллоҳ сийлаганни бандаси ҳам сийлайди: элимизни Аллоҳ сийлаганининг ёрқин далили шуки, унга Яратганнинг илоҳий бир каромати шуки, илоҳий бир неъмат — Қуръони каримнинг асл нусхаларидан бири — Мусҳафи Усмонийнинг Тошкентда эканидир. Ҳар нуқтаси минг "Кўҳинур"дан қиммат бундай бебаҳо гавҳарни, ҳар нуқтаси минг ҳикматдан буюк бундай мўъжизани авайлаб асрашни бизга насиб этганидир. Байтуллоҳ — Маккаи мукаррамада, пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг марқади шарифлари — Мадинаи мунаввара да бўлса, Каломуллоҳнинг асли — Ислом маданиятининг бош кенти — Тошкентда! Ҳожилар Макка ва Мадинадан сўнг отнинг бошини Тошкентга бурсалар арзийди. Зеро, бу дунёда Аллоҳнинг каломидан муқаддасроқ нарса йўқ.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов айтганларидек, ҳар бир ватандошимизга дейликки:

**Тўйиб боққил бу юрт ҳуснигаким,**
**Кўнглингни чоғ этгин.**
**Бу элнинг ўғлиман деб қил ғурур –**
**Кўксингни тоғ этгин.**
**Ватан ҳар зарра тупроғин**
**Кўзингга сен қароғ этгин.**
**Боболар маскан этган**
**Бу азиз тупроқни боғ этгин.**
**Ярашгай ифтихор этсангки,**
**Ортиқ ифтихор бўлмас.**

Танлов

***Куни кеча Миллий матбуот марказида "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, "Олтин қалам" миллий мукофоти танлови ташкилий қўмитаси раиси Шерзод Ғуломов очар экан, ўз сўзида "Олтин қалам" миллий мукофотининг мақсад ва вазифаларига алоҳида эътибор қаратди.***

# Ташкилий қўмита иш бошлади

**МУХБИРИМИЗ**

Йиғилишда дастлаб ташкилий қўмитанинг таркиби тасдиқланди. Унинг таркибига миллий мукофот ташаббускорлари — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро марказидан ташқари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Конрад Аденауэр фондининг Марказий Осиё, Қозоғистон ва Шимолий Кавказ бўйича ваколатхонаси вакиллари ҳам киритилди. Маълумотларга қараганда яна бир қатор халқаро ташкилот ва мамлакатимиздаги идора вакиллари унда иштирок этиш истагини билдирганлар.

Йиғилишда бундан ташқари ишчи гуруҳи таркиби, ташкилий қўмитанинг иш режаси, танловга доир қоидалар, танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича сарф-харажатлар сметаси каби масалалар обдон муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

Маълум бўлишича "Олтин қалам" II миллий мукофоти аввалгисидан ҳар жиҳатдан — мукофотлар миқдори ва салмоғига кўра ҳам катта фарқ қилади. Бу гал бош миллий мукофотдан ташқари 4 та (ТВ, радио, матбуот, интернет журналистика) асосий мукофот, 12 та рағбатлантирувчи мукофотлар белгиланган. 4 та асосий мукофотнинг ҳар бири яна учта (1,2,3) ўринга бўлинади. Демак, жами мукофотлар сони бу гал 25 тани ташкил этади. Уларнинг ҳаммаси қўшиб ҳисобланганда жами пул мукофоти 35 миллион 272 минг сўмга етади. Бундан "Олтин қалам" II миллий мукофоти биринчисидан ҳар жиҳатдан бир неча баробар кенгайганлигини кузатиш мумкин. Демак, "Олтин қалам" миллий мукофоти тобора оммалашиб боряпти, дейиш учун барча асослар бор.

Муносабат

# Қонун анча такомиллашибди

**Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ,**
ЎзДЖТУ доценти

Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуни 1997 йилнинг 26 декабрида қабул қилинган эди. Ҳар қандай қонун амалиётда қўлланиларкан, уни тобора такомиллаштириш, тўлдириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Мазкур Қонун ҳам шу жараённи бошдан кечирди. Қабул қилинганидан беш йил ўтар-ўтмас, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2002 йилнинг 30 августида унга бир қатор муҳим ўзгартиришлар киритганди. Дастлаб қабул қилинганда 30 моддадан иборат бўлган мазкур Қонунга бешта махсус модда қўшилган, айрим моддалар ё ихчамлаштирилган, ё мазмунан бойитилган эди. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007 йилнинг 15 январида тасдиқланиб, матбуотда эълон қилинди. Мазкур қонун дастлабки нухсасига қараганда анча такомиллашгани кўзга ташланади. Жумладан, Қонун энди махсус бобларга бўлиниб, ҳар бир боб оммавий ахборот воситалари фаолиятининг у ёки бу жиҳатлари тартибга солиш бўйича изчил моддалардан ташкил топган.

Дастлабки боб "Умумий қоидалар" деб номланган бўлиб, унда мазкур Қонуннинг мақсади, қўлланилиш соҳаси, ОАВ, унинг эркинлиги, цензурага йўл қўйилмаслиги, у тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда ОАВ эркинлигини суиистеъмол қилмаслик тўғрисидаги моддалар ўз аксини топган. Иккинчи бобда "Оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш" билан боғлиқ ҳолатлар ифодаланган. "Оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш" деб номланган учинчи бобдаги олтита моддада зарур жараён бўлган ОАВларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ энг кичик ҳолатлар ҳам назарда тутилган ҳолда батафсил тушунчалар берилган. 4-бобдаги моддалар Қонуннинг илгариги вариантларида йўқ бўлиб, моҳиятан тамоман янги. Унда ОАВ маҳсулоти нималардан иборат экани, уларни тарқатиш тартиби, даврий босма нашрларга иловалар, бундай нашрларнинг электрон шакли, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатлар ОАВлари маҳсулоти тарқатиш тартиби юзасидан аниқ тушунчалар келтирилган. Бешинчи бобдаги бир қатор моддалар ҳам тўлдирилган, конкретлаштирилган ҳолда Қонун таркибига киритилган. Жумладан, Қонуннинг эски таҳririда "Раддия бериш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи" деб номланган 27-моддасидаги "Раддия ёки жавоб газеталарда улар келган кундан эътиборан бир ой муддат ичида, бошқа даврий нашрларда эса навбатдаги сонда эълон қилинади. Олинган раддия ёки жавоб радиоэшиттириш ёки телевидение таҳririяти томонидан радиоэшиттириш ёки телекўрсатувнинг айни ўша дастури ёки туркумида, келган кунидан эътиборан бир ой муддат ичида эълон қилинади. Асосли ва одоб доирасидаги жавоб матнини, агар уни эълон қилиш ҳажм ёки вақт нуқтаи назаридан оммавий ахборот воситасининг фаолиятига зарар етказмаса, таҳрир қилишга йўл қўйилмайди" деган матн янги таҳрирдаги Қонуннинг 34-моддасида шундай кўриниш олган: "Раддия ёки жавоб газеталарда улар олинган кундан эътиборан бир ой ичида, бошқа даврий нашрларда навбатдаги сонда эълон қилиниши шарт. Теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон шакллари таҳririяти томонидан олинган раддия ёки жавоб айнан ўша дастур ёки туркумда, келган кунидан эътиборан бир ойдан кечикмай эфирга берилади. Агар раддия ёки жавобни эълон қилиш ҳажми ва вақти оммавий ахборот воситасининг фаолиятига зарар етказиши мумкин бўлса, матнни ахборот манбаи ёки муаллиф билан келишилган ҳолда асосланган таҳрир қилишга йўл қўйилади". Матнлар синчиклаб солиштирилса,улардаги фарқларни сезиш мумкин. Муҳими, янги таҳрирдаги матн конкретлашгани, бойитилгани очиқ кўриниб турибди. Бу янги таҳрирдаги Қонуннинг фазилатидир. Бундай фазилатларни охирги 6-бобда ҳам ёрқин кўриш мумкин. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонуни анча такомиллашган, тўлдирилган кўриниш олибди.

Жараён

**Юртимизда фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат қуриш жараёни шаклланаётган ҳозирги кунда ҳар бир фуқародан ўз ҳуқуқини билиш талаб этилади. Табиийки, ҳар биримиз истеъмолчимиз. Кундалик турмушда эҳтиёж сезган нарсаларни сотиб оламиз ёки улардан фойдаланамиз. Аммо бу қай йўсинда амалга ошяпти? Амалдаги қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқларимизни биламизми? Умуман, кенг қамровли "истеъмолчи" сўзи ўз ичига қандай тушунчаларни қамраб олиши кўпчилик аҳоли учун мавҳум бўлиши мумкин. Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси вазифасини бажарувчи Рустам ҲАКИМОВ билан суҳбатимиз жараёнида ана шу масалаларга ойдинлик киритишга, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишда федерациянинг ўрни ҳақида маълумотлар олишга ҳаракат қилдик.**

# Билимдон истеъмолчи доимо ҳақ

Суҳбатдош:
**Дурдона АЛИМОВА**

***— Республикамизда истеъмолчилар ҳуқуқи қай даражада ҳимоя қилинмоқда, деб ўйлайсиз?***

— Истеъмолчилар ҳуқуқи ҳимояси аввало, Конституциямизда белгилаб қўйилган. Конституциямизнинг 13-моддасида инсон ҳаёти ва ҳуқуқи олий қадрият сифатида эътироф этилишининг замирида катта маъно бор. 44-моддасига мувофиқ ҳар бир шахс ҳуқуқи бузилганида ёхуд ғайриқонуний ҳаракатлар устидан шикоят қилишга ҳақли. 53-моддасида эса иқтисодий масалаларга истеъмолчи манфаатидан келиб чиқиб урғу берилган. Бундан ташқари мустақиллик йилларида истеъмолчи ҳуқуқлари ҳимоя қилинган "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида", "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида", "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида", "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида" каби кўплаб қонунлар қабул қилинди. "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун эса биз учун асосий манба ҳисобланади. БМТ Бош Ассамблеяси сессиясидаги қабул қилинган "Истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг раҳбарий тамойиллари" резолюцияси ҳам Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган ва мамлакатимизда амал қилмоқда.

Амалдаги ҳуқуқлардан фойдаланиш аввало истеъмолчининг ўзига боғлиқ. Аммо ҳуқуқини билмасдан туриб фойдалана олмайди-ку. Федерациямиз ўтказган социологик тадқиқот ва текширишлар натижасидан аҳолининг айрим қатламлари истеъмолчи имкониятлари ҳақидаги ахборотларга эга эмаслиги маълум бўлди.

*Давоми 2-бетда.*

# Журналистика соҳасида "Олтин қалам" II миллий мукофоти

***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" халқаро танловини ўтказади.***

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2006 йилнинг 31 мартидан 2007 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет саҳифаларида берилган материаллар 2007 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот**. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

*Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот* (телевидение – 1 -, 2-, 3- ўринлар);

*Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот* (радио — 1 -, 2-, 3- ўринлар);

*Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот* (даврий матбуот — 1 -, 2-, 3- ўринлар);

*Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот* (Интернет-журналистика — 1 -, 2-, 3- ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:**

- журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
- фаол фуқаролик позицияси учун;
- ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
- энг яхши журналистик текширув учун;
- мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
- энг яхши режиссёрлик иши учун;
- йилнинг энг яхши дебюти учун;
- энг яхши фоторепортаж учун;
- энг яхши карикатура учун;
- чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернетда эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

- муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

*Танлов ғолибларини мукофотлаш 2007 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни тантанали равишда ўтказилади.*

*Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.*

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

***Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри-100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси***
**Телефонлар: 144-64-62; 144-64-61; 144-37-87;**
**Факс: 144-69-65**
***E-mail:* ijod@ sarkor.uz**
**www.journalist.uz**

**БИЛДИРУВ**

**«Hurriyat» газетаси томонидан 2006 йилнинг 31 декабрига қадар берилган барча гувоҳномалар эътибордан соқит деб ҳисоблансин.**

Акс-садо

## Руҳларни шод этай десангиз...

### “Зиёратнинг ҳам одоби бор” мақоласини ўқиб...

Мукаррама ҒАНИЖОН қизи

Кимлар учун буюк бобокалонларимиз мақбара, масжид, ҳоки ётган азиз тупроқлар нақадар муқаддас. Зиёратгоҳ жойларга бориш учун алоҳида тайёргарлик, маблағ, вақт, истак керак бўлади. Агар Худо насиб этиб муқаддас жойларга борсангиз, энг аввало Қуръон тиловати жоиз. Буни билиш керак. Яна бир нарса, зиёратгоҳ жойларга беҳаёларча кийиниб ёки севишганларнинг қўлтиқлашиб қадам босиши ярашмайди. Айниқса, улар ўзбек миллатига мансуб бўлса.

Ажабо, чет элликлар бошига рўмол ўрашни хоҳласа-ю, ўзимизнинг ўзбек аёллари, қизлари буни хоҳламаса. Нима, миллий кийимда, шарму ҳаё билан келса, хунук бўлиб қоладими ёки биров уришадими?

Мақоладаги фикрлар ҳаққоний. Бундай ҳолатларни кўп бор кузатганмиз. Очиқ-сочиқ, калта либосларда, ялангбош, ялангоёқ ҳиринглаб қўл ушлашиб, кексаларни назар-писанд этмаган йигит-қизларни учратганмиз. Улар учун бу бир баҳона. Улар зиёрат қилишни эмас, бир-бирларига термулиб, дийдорига тўйиб олишни кўпроқ исташади, кўнгилочар майдонга келгандай гўё. Бу маънавий қашшоқликдан бошқа нарса эмас.

Келин-куёвлар бу ерга улуғлардан бахт-нажот тилаб келганига эмас, ўзларини бировларга кўргазма қилаётганга ўхшайди. Ахир йигитнинг ори бўлса, динини, тилини, урф-одатини қадрласа, бир умрлик йўлдошини ярим ялангоч, елка, қўлларини бегона кўзлардан асрамай олиб келадими? Рашки, ор-номуси бўлса, руҳлардан қўрқса, бундай қилмайди. ЗАГСдан олдин ёки кейин иккалови ўзбекона либосда таҳорат олиб келсалар, дуои фотиҳа қилсалар, зиёратлари ҳам тиловатлари ҳам қабул бўлармикин?

Руҳларни шод этай деган қалб пок бўлиши юриши-туриши, кийиниши билан ажралиб туриши керак. Гоҳо ўзбек аёлларининг қутлуғ жойларда навбат талашиб бир-бири билан уришганларини, ҳақорат қилганликларини кўрамиз. Наҳотки, шундай покиза жойларда оғзидан шармсиз сўзларни чиқаришдан уялмайдилар. Энг ёмони, ҳар хил чиқиндиларни дуч келган жойга ташлаб кетишаётганидир. Писта пўчоқлари, музқаймоқ қоғозлари, сақич, конфет, меваларни еб тупроқ йўлга ёки ўриндиқларга отиб кетишаётганлар ҳам учрайди. Ҳой, бундай қилманг десангиз, гапни «пулумёт» қилади. Гапирганларингизга пушаймон ейсиз.

Дуои фотиҳа қилсак, руҳлар шод, бизга мададкор бўлсин деймиз. Демак, руҳлар шод бўлсин десак, ўзлигимизни унутмайлик, имон-эътиқодимиз кучли, шарму ҳаё, ибо, шарқона безагимизга айлансин. Ватанини, тупроғини, улуғларини бошда тутган, кўзга тўтиё этган ўзбек қандайлигини ҳам ташқи, ҳам ички гўзаллиги, яъни маънавияти билан намоён этсин.

*Асака шаҳри*

Мутолаа

**Таниқли олим академик Азиз Қаюмовнинг туҳфаси — “Академик Раҳима Аминова” рисоласини олиб, мутолаага киришдим. Одатда, “Фан” нашриёти чоп этадиган бу тоифадаги илмий монографияларда у ёки бу олим ҳақида илмий фаолияти библиографияси тўғрисида маълумот берилиб, сиз ўзингизни қизиқтирган айрим маълумотларни билиб олиш учун чўқилаб-варақлаб чиқасиз. Бу рисолани қўлга олганда менинг ниятим ҳам шу — бир варақлаб, китоб жавонимдаги муносиб ўрнига қўймоқчи эдим.**

Маҳмуд САТТОРОВ

# «Академик Раҳима Аминова»

## ёхуд рисола хусусидаги таассуротлар

Йўқ, ундай бўлмади, китоб сўзбошиси устига келтирилган “Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз” деган пурҳикмат даъват эгаси, муҳтарам Президентимиз фикрлари иқтибосидан тортиб, “Сўнгги лавҳа” деб номланган хотимагача, назаримда, бир нафасда (икки соатлар чамаси) ўқиб чиқдим. Қарийб 60 саҳифали ушбу китобдан шунчалар мутаассир бўлдимки, агар кеча Азизхон домлани кўрмасам, ул зотнинг қўлларидан ушбу табаррук рисолани олмасам, 2006 йилнинг ҳисобидан буюк йўқотишга йўл қўйган бўлишимга имон келтирдим. Муҳтарам газетхон, мулоҳазаларимни қоғозга тушириш маромида сизга ушбу хулосамни саҳифама-саҳифа асослаб беришга ҳаракат қиламан.

Биз тоталитар тузум давридаги совет илм-фанини мафкурабозликда айблаймиз. Бу даврга, албатта, танқидий баҳо бериб, муносабат билдирамиз. Шуниси ҳам борки, одатда биз Ўрта Осиёда илм-фан ривожи, такомили ҳақида гап борганда, IX асрдан XIX асргача бўлган даврни қайд этиб, XX асрни қўшмаймиз. Аслида XX асрда нима гуноҳ? Бу асрда илм-фан, маданият тараққиёти тўхтаб қолганми? Асло ундай эмас. Азизхон Қаюмовнинг “Академик Раҳима Аминова” китобини мутолаа қилгач, бу давр илм-фанининг дастлабки босқичларига андак адолат кўзи билан қарашга мажбур бўламиз. Негаки, 30-йиллар қатағони, Иккинчи жаҳон уруши гирдобларидан омон чиққан авлод фаннинг турли соҳаларига дадил қадам ташларкан, барча жабҳаларда таълим ва тарбияни мукаммал ва мунтазам олишга интилади. Атоқли ўзбек тарихшунос олимаси, академик Раҳима Аминова мисолида Азизхон домла ўзи мансуб бўлган авлоднинг илмий-ижодий, фанний-инсоний портретини ярата боради.

Ўрта Осиё адабиёти, санъати, илм-фанида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган Қўқон анъанавий ижодий муҳити, эски ва янги шаҳар — город. Ўзбек ва рус мактаби. Бу ҳудудда XX аср цивилизацияси — тамаддунининг қайта такомил топиши. Тошкент, университет таълими. Ундаги илмий-амалий-назарий мезонлар китобда саҳифама-саҳифа бадиий асардай ҳикояланб борилади. Шу ўринда Қаюмов домланинг олимлигидан ташқари закий адиблиги, маҳоратли публицистлиги ўзини намоён қилиб, кенг кўламли илмий ҳаёт жараёнини қизиқарли ёритишда қўл келади.

Биз, шогирд-мухлислар Азизхон Қаюмов қаламида жонланган улуғ алломалар Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, ҳазрат Алишер Навоий сиймолари мисолида домланинг ўзларигагина хос бўлган адабий услубларидан илгари ҳам баҳраманд бўлганмиз. 70-йиллардаёқ Алишер Навоий асарларининг насрий баёни табдилида бу услуб ўз мазмун ва мундарижасига эга бўлган.

Ушбу китобни мен иккинчи ном билан “Олима ҳақида қисса ёки илмий-адабий эсселар” деб атаган бўлардим. Советнинг даврида жаҳоншумул олимлар Пъер ва Мария Кюрилар оиласи ҳақида “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркумидан шундай жозибали китобни ўқиганим бор эди.

Мазкур қисса ҳам “Она шаҳар қучоғида” (Қўқон – М.С.), “Шарқ факультетида”, “Дўстлик” сарлавҳаларида ривож топиб, илмий сюжети юксалиб боради. Раҳима Аминова униб чиққан заминни таърифлаб, муаллиф асари бошидаёқ: “Ўзбекистон Фанлар академиясига турли йилларда президент бўлган тўрт улуғ олимнинг илмий-ижодий фаолияти Қўқон шаҳри билан чамбарчас боғлиқ. Улар академиклар Тошмуҳаммад Ниёзович Қори-Ниёзий, Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов, Теша Зоҳидович Зоҳидов, Убай Орифович Орифовлардир”, деб ёзаркан, олимамиз ўзбек миллий фани учун тасодиф эмаслигини, тўртинчи президент Убай Орифов Раҳима Аминованинг тус тоғаси, ёш олима шу хонадонда яшаб, таҳсил олганини тасвирлаб ўтади.

“Шарқ факультети янги очилгани боис унда фақат биринчи курс бор эди, холос, — ёзади муаллиф ўзи ўқишга кирган 1944 йилни хотирлаб, — унда асосий предметлар – Шарқ тиллари: араб, форс, турк тиллари, яна инглиз ва рус тиллари кўп ўқитилар эди. Гуруҳимизда 16 студент – 15 йигит, 1 қиз. Ўша қиз – Раҳимахон Аминова”.(6-бет)

Ўз курсдошининг салоҳият даражаси такомилини кўрсата бораркан, муаллиф Раҳима Аминованинг мактабда русча ўқигани учун бу тилни мукаммал билиши, Азизхон Қаюмов каби “ўзбек” курсдошларининг бу тилни ўзлаштиришларида яқиндан ёрдам бериши, айни пайтда ўз она тилини унутмаслик учун ўзбек гуруҳида таҳсил олишини таърифлай боради.

Оғир 40-йилларда Ўзбекистон илм-фанига кириб келган йигит-қизлар университетда қандай таҳсил олганларини ифодалашлида ўзбек, рус, яҳудий домлаларнинг фидойиларча хизматлари, ёвуз тузум мафкурасидан ҳуркиб, ўзлари чуқур билган ва севган фан ва предметлари қолиб, замоннинг зайли билан собиқ тузум идеология асосларига мансуб предметларни “касбу кор” қилганлари сабаблари очиб берилади.

Муаллиф ушбу асари баҳонасида дунёда, Шарқда, Ўрта Осиёда азалдан шаклланган анъана ҳамда устозшогирдлик мактаби “коридорлари”да саркаш кезади ва сабоқ берган домлалари академик Галина Анатольевна Пугаченкова, Мамед Муртазаевич Муждабоев, Раим Умарович Умаров, Абдурахмон Ҳамроев, Ғайни Нажимов, Альфред Карлович Арендс, Нина Петровна Куш каби ўз касбининг устаси бўлган фан фидойилари — устозларга тасаннолар айтади. Олимнинг олима ҳақидаги китобини мутолаа қиларкансиз, беихтиёр бугунги замон, ёшлар, илм-фан асосларини ўзлаштириш ва эгаллаш йўлларини қиёсан солиштирасиз, 40-50-йиллар талабалари жаҳон илмларига калит сифатида Шарқ тилларини мукаммал билишдан ташқари рус ва инглиз тилларини ҳам чуқур ўзлаштирган эканлар. Бу китоб қаҳрамони Раҳима Аминова, курс ва даврабоши Убайдулла Каримов, муаллифнинг ўзи мисолида ўқувчига яққол аён бўлади.

60-йиллардан ўтиб, 70-80 йилларга келганда, ҳақиқатан ҳам, барча соҳаларда бўлгани каби илм-фан жабҳасида ҳам халтурага ўтиш, кўзбўямачилик, “қўшиб ёзиш”, таъмагирлик, шахсий манфаатни биринчи планга қўйиш иллатлари газак олиб, ривожланган давр эканки, “ўрта”, “ўткинчи”, “боғловчи” авлод бу салбий сифатлар қаҳрамони, вирус ташувчисига айланиб қолгани маълум бўлади... Бунда муайян шахслар каби ўша тузум, жамият сабабчи экани бугунги кунда барчамизга равшан.

Илм-фанда ғайирлик, кўролмаслик, ўзидан иқтидорли ҳамкасбини тан олмаслик иллати 70-80 йилларда авж олганини минг афсус билан қайд этаркан, муаллиф ўзи республика марказий идорасида бу соҳа бўйича бош бўлган даври “интрига”ларидан айрим мисоллар келтиради.

Раҳима Аминованинг янги тадқиқот китоби корректураси ўқилиб турган кезда унинг устидан шикоят хати ёзилади. Киши билмас рақиб китобни, муаллифни, тадқиқотни тан олмайди...

Фан оламидаги бунга ўхшаш бағриторлик, жаҳолат не-не эзгу кашфиётларни юлдуз кўрмай жон беришига олиб келгани, ўзбекнинг фожиаси бўлган “олтинчи бармоқ” иллати ҳаврат ила ёритилади.

Заковатли шахслар барча ёшу савия даражасида ўзларига танқидий қарай биладилар. Рисола муаллифи, китобда икки ўринда ўзини айблаб ўтади. Биринчиси, Варнада кинофестиваль кунлари курсдоши Раҳима Аминовани учратгач, арбоб хонимни фестивалга таклиф этади. Олима халқаро конференцияда вақти тиғизлигини айтиб, аксинча у зотни конференцияга таклиф этади. Домла ўшанда вақти, имконияти бўлгани ҳолда халқаро анжуманга бормаганидан ўкинади. Кўп янгиликдан бехабар қолганига ачинади. Яна бири инглиз тили муаллималари Нина Петровна Куш орадан чорак аср ўтиб, янги авлод талабалари ҳузурига 3 академик шогирдларини чақириб, улар билан учрашув ўтказиб, фахрланади. Азизхон Қаюмов афсусланадиларки, бир-биридан қизиқарли гапирган 3 академик икки калима бўлса ҳам инглиз тилида сўзлаб, устозлари – муаллима –Она кўнглини чоғ қилишга ярамаганлари, шу “жест” эсларига келмаганидан пушаймон қилади.

Мустақиллик йилларига келиб, яна ўша эски тенденция – ёшларнинг илм-фан йўлида очқич сифатида Европа тилларидан бир нечасини мукаммал билишлари, рус тилини ва ўз она тилларини унутмасликлари замон талаби бўлиб қолдики, иншооллоҳ, истиқлол даври илм-фани, маданияти, маънавияти ўтмиш алломалари каби мустаҳкам асос илдизга эга бўлиши истиқболи кўзга ташланиб турибди.

“Академик Раҳима Аминова” китобида оддий зиёли оиладан машҳур олима етишиб чиқиши тадрижи бадиий ифодаланиб, ҳар бир фаннинг ривожида бу соҳанинг муносиб кадрлари, шахснинг роли кўрсатиб ўтилади.

Тарих фани ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида ҳозир ҳам олимлар ягона, муштарак фикрга эга эмас. Тарих ўтмиш давр солномасини қайд қилиши, давлат ва жамият қурилишини таърифлаши, баҳолаши керакми ёки цивилизациянинг барча тармоқларида, жамият ривожида — қишлоқ хўжалиги, ирригация-мелиорация, саноат, молия, иқтисод ва ҳоказолар ривожи, инқирози тарихини ёритиши, даврлаштириши ва ўз хулосаларини бериши керакми? Мана шу принципиал масалада олимлар икки қутбга бўлиниб қоладилар.

Ўтмиш тариху жамият ривожланиши қонунларини тарихчилар ўргансин-у, қолган соҳалар ва тармоқлар тадрижини ҳар бир соҳа олими тарихий принцип асосида таҳлил қилсин, бу жараёнга тарихчилар аралашмасин деган ақидани қўллаб-қувватловчилар бор. Аксинча, тарихчи олим жамият тараққиётининг барча жабҳалари динамикасини ўрганиши, таҳлил қилиши, ўз хулосаларини бериши лозим дейдиган олимларимиз ҳам талайгина. Аллома Азизхон Қаюмовнинг ушбу китоби ва унинг қаҳрамони Раҳима Аминованинг илмий-амалий-назарий фаолияти, ёзган китоблари, бошқарган институтлари фаолияти иккинчи йўл тўғри ва жамият ривожи учун фойдали эканлигини исботлайди. Тарихчи барча соҳа учун тарихчи – у ҳуқуқ ё иқтисод, у сиёсат ва ҳоказо фанлар бўлсин, унинг тарихини яратиш, ёритиш тарихчи олимнинг иши, деган хулосага келамиз рисола билан чуқур танишарканмиз.

Атоқли олима — кўплаб китоблар муаллифи Раҳима Аминова XX асрда Ўзбекистон тарихини изчил ва чуқур факт ва рақамларда қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат ривожи воситасида ўрганиб чиқар экан, бошданоқ мўлжални тўғри олганлигининг гувоҳи бўламиз. Азизхон Қаюмовнинг ёзишларича, “1949 йилнинг май ойи. Шарқ факультети 5 курс талабаси Раҳима Аминова диплом иши ёқламоқда. Хушрўй, оддийгина кийимдаги ёқимтой ёш аёл минбарга дадил чиқади. Диплом ишининг мавзуси “Мустамлака халқларининг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашлари”.

**Қаранг, шу воқеага 60 йил тўляпти. Раҳима опанинг бахти шундаки, 10 йил бўлса ҳам орзу қилгани Ўзбекистоннинг Мустақиллик дамларини кўролди. Меҳнатлари, илми самарасидан баҳраманд бўлолди. Интилгани, соғингани, сиғингани Истиқлол олимани қайта рўёбга чиқарди. Аллома курсдоши, ватандошининг чуқур меҳр, юксак самимият билан ёзилган “Академик Раҳима Аминова” номли китоби олимага буюк эҳтиром сифатида муҳташам ҳайкал қўйди, деган гапда муболаға йўқ.**

Жаҳонгир МИРЗО чизган



Хабар

## Бир ватан ичра турфа маданият

Ф. ЖАББОРОВ

“Ўзбекистон — умумий уйимиз”. Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида очилган бу сафарги кўргазма шундай номланди. Сезиб турганингиздек, у неча йиллардан бери бир жон, бир тан бўлиб Ўзбекистон дея аталмиш жаннатий бир ўлкада яшаб келаётган турли миллатлар ва элатларнинг абадий дўстлигига бағишланган.

Кўргазмага келган меҳмонларнинг назари илк бор фотоасарларга тушади. Улар “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси томонидан тақдим этилган бўлиб, Республика байналмилал маданият маркази ва миллий-маданий марказлар фаолиятидаги энг ёрқин воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Фотоасарларни томоша қиларкансиз, Юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган ўзбек миллий сиёсат моделида миллатлараро тотувлик ва диниий бағрикенгликни таъминлаш, шу заминда яшаётган барча халқлар вакиллари ўртасида дўстлик ва қардошлик туйғуларини янада мустаҳкамлаш алоҳида ўрин тутишига яна бир бора ишонч ҳосил қиласиз. Фотосуратларнинг ҳар бирида ўзлигини йўқотмаган, миллий маданиятини кўз-кўз қиларак мамнун бўлаётган турли халқларга мансуб юртдошларимизни кўришимиз мумкин. Бунда ташқари 30 дан ортиқ миллат вакиллари томонидан яратилган рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика ва амалий санъат асарлари ҳам кўргазма экспозициясидан ўрин олган. Айниқса, Э. Аралов, Ю. Веденин, А. Бахтеев, Г. Абдурахмонов, А. Горобцова каби ижодкорларнинг яратган асарлари олдида томошабин бир тўхтаб ўтмай иложи йўқ.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

# Билимдон истеъмолчи доимо ҳақ

Бундан хулоса чиқарган ҳолда ўтган йил мобайнида мазкур соҳа борасида нашрлар, “Почта алоқасидан фойдаланинг”, “Тиббий хизматлар ва пациент ҳуқуқлари”, “Ижтимоий ҳимоя – истеъмолчи-ногиронларнинг ҳуқуқлари” брошюраларини тайёрладик ва истеъмолчиларга бепул тарқатдик, методик семинарлар, учрашув ва кўрик-танловлар ташкил этдик.

***— Истеъмолчилар ҳуқуқини бузилганлик ҳолатидан федерация қандай хабардор бўлади?***

— Асосан бизга келаётган аризалардан. Улар таҳлил қилингач, чоралар кўрилади. Лозим бўлса истеъмолчига етказилган зарар ундирилади.

***— Аҳоли федерацияга кўпроқ қайси масалалар юзасидан мурожаат қилади?***

— Истеъмол бозорида стандартизациянинг бузилганлиги, сертификатлашга амал қилинмагани, ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари тасдиқланмаган товарлар билан савдо қилинганлиги, ҳудудлар бўйича оладиган бўлсак, Тошкент шаҳридан кўпроқ ширкатларнинг сифатсиз хизмати, вилоятлардан эса коммунал хизматдан шикоятлар кўп тушади.

***— Баъзи дўконларда “Сотилган маҳсулотлар қайтиб олинмайди” деган эълонга кўзимиз тушади. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан бу тўғрими?***

— “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасига кўра, истеъмолчи товарнинг нуқсонларини аниқлаган тақдирда сотувчи уни худди шундай товарга алмаштириб беришга мажбур. Бунда муддат ҳам белгиланган. Истеъмолчи талаб қўйган кундан эътиборан 7 кун, қўшимча текширув зарур бўлса, 20 кун ичида алмаштирилиши шарт.

***— Лекин бундай пайтларда баъзи сотувчилар худди ўшандай товар ҳозирча йўқлигини, товар келтириладиган жой олислигини сабаб қилиб кўрсатишади.***

— Бунга ҳам қоида бор. Ўша товар бўлмаганда ҳам 1 ой ичида, келтириш жойи олис бўлса 2 ойдан кечиктирмай харидорга яроқли товар етказилиши керак.

***— Кўплаб корхоналар маҳсулотига кафолат муддати қўяди. Нуқсонлар мазкур муддатдан сўнг аниқланса-чи?***

— Юқорида номи қайд этилган қонуннинг 15-моддасига биноан башарти товарда ишлаб чиқарувчининг айби билан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар аниқланган бўлса, истеъмолчи кафолат муддатидан сўнг ҳам бепул бартараф этиш талабини қўйишга ҳақли. Маҳсулот таъмирлангунча истеъмолчига шартнома асосида яроқли маҳсулот бериб турилади. Ҳуллас, ҳуқуқини билган истеъмолчи ҳеч қачон зарар кўрмайди. Билимдон истеъмолчи – доимо ҳақ. Дарвоқе, бир семинаримизга шу нақлни мавзу қилиб олгандик.

***— Федерация сифатсиз маҳсулот харид қилиб зарар кўрган аҳолига қандай амалий ёрдам кўрсата олади?***

— Агар аниқ рақамларларга таяниб айтадиган бўлсак, 2006 йил ҳисобига кўра истеъмолчиларга 5.403.278.000 сўм моддий зарар қайтариб берилди. Инсонлар кўпинча сифатсиз музлатгич, телевизор каби маҳсулот сотилган дўконлардан ва хонадонларда иссиқлик манбаининг носозлиги, капитал таъмирдан сўнг ҳам хизматларнинг талабга жавоб бермаслиги каби масалаларда мурожаат қилишди.

***— Истеъмолчи деганда кўпинча кўз олдимизда бозор, олди-сотди ёки харидор гавдаланади. Аммо аҳоли истеъмолидаги бошқа хизматлар ҳам бор-ку. Масалан, транспорт қатновида ҳам бир қанча ноқулайликларни кўриш мумкин. Бу борада йўловчи ҳам истеъмолчи саналадими?***

— Албатта, аҳолига хизмат кўрсатаётган жабҳалар фаолиятидан фойдаланаётган барча инсонлар истеъмолчилардир. Сиз айтган транспорт соҳасида ҳам текширишлар ўтказганимизда бир қатор истеъмолчилар ҳуқуқларини бузилиши ҳолатлари маълум бўлди. Масалан, баъзи автокорхоналарга тегишли жамоа транспортларида йўл чипталарининг берилмаслиги, айрим транспорт воситаларининг санитар ҳолати ёмонлиги, қатнов орасидаги интервалга риоя этмаслик кабилар. Истеъмолчилар ҳуқуқининг бузилиши тиббиёт соҳасида, шунингдек, хусусий дорихоналар фаолиятида ҳам учраяпти. Яқинда 300 та дорихона муассаси миқёсида текширув ўтказганимизда улардан 91 тасида турли камчиликлар аниқланди. Дорихона биносининг умумий майдони 34 м.кв. дан кам бўлмаслиги ва унда махсус хоналар мавжуд бўлиши керак. Бу ҳам истеъмолчи манфаати ва талабидан келиб чиққан.

***— Маълумки, инсон саломатлигида тиббий хизмат билан бир қаторда истеъмол қилинадиган маҳсулотлар ҳам муҳимлиги боис давлат дастурлари асосида озиқ-овқат маҳсулотларига микроэлементлар қўшиш ҳам йўлга қўйилган. Истеъмол бозорида бу маҳсулотлар устидан қандай назорат ўрнатиляпти?***

— ЮНИСЕФ Болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Эндокринология институти томонидан йодланган ош тузи мониторингини ўтказиш методик қўлланмаси ва бу бўйича қўшимча кўрсатмалар тайёрланаётганда ҳамкорликка федерация ҳам қўшилган. Йодланган ош тузининг истеъмол бозоридаги мониторингини ўрганганмиз. Бундан ташқари Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ун маҳсулотлари устидан ҳам мониторинг ўтказдик. Натижадан Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларидаги савдо дўконларида ун маҳсулотлари белгиланганидан юқори нархларда сотилиши маълум бўлди. Ва уларга нисбатан давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан чоралар кўрилди.

***— Истеъмолчи ҳуқуқи бузилиши жараёнида нафақат моддий, балки маънавий зарар ҳам кўриши мумкин. Бундай ҳолларда айбдорнинг истеъмолчига тўлаши лозим бўлган “ҳақ”лари ҳақида қисқача маълумот берсангиз.***

— Ишлаб чиқарувчи хизматларидан фойдаланиш жараёнида фуқарога етказилган руҳий изтироблар, қийноқлар, шунингдек, жисмоний оғриқлар ҳам маънавий зарар дейилади. Маънавий зарар пул кўринишида қопланиб, унинг миқдори суд томонидан белгиланади. Бунда зарар етказиш усуллари, оқибатлари, жабрланувчининг шахсий хусусиятлари, қасддан ёки беҳосдалиги каби омиллар инобатга олинади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам айбланувчи маънавий зарар учун ҳақ тўлашга мажбур. Агар воқеа олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар туфайли содир бўлган бўлса, исботланган тақдирда маънавий зарар тўлашдан озод этилади. Истеъмолчининг қасддан қилган ҳаракати туфайли вужудга келган бўлса ҳам худди шундай.

***— Демак, баъзи ҳолларда ҳуқуқнинг бузилиши ва зарар етказилиши хизмат кўрсатувчи ёки ишлаб чиқарувчи эмас, истеъмолчилар томонидан ҳам амалга оширилар экан-да?***

— Ҳа, бу кўп учрайдиган ҳолат. Истеъмолчилар ҳам қонунни бузишади. Масалан, ичимлик суви, газ ва электр энергияси тармоқлари устидан мониторинг ўтказганимизда коммунал тармоқларга ноқонуний уланишлар аниқланди. Бу билан фуқаролар, биринчидан, мазкур хизматлар сифатига, иккинчидан, коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисоди ва давлат бюджетига зарар етказадилар.

***— Истеъмолчи ҳуқуқи ҳақида кўп гапириш мумкин. Шу билан бирга Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳақида ҳам. Суҳбатимиз якунида мавжуд камчиликларни бартараф этишда истеъмолчининг ўрни ҳақида ҳам гапирсангиз.***

— Сўзимнинг аввалида ҳам айтганимдек, бу масалани ҳал этишнинг энг самарали йўли истеъмолчининг ўз ҳуқуқларидан хабардор бўлиши, билиши ва улардан ўрнида фойдалана олишидир. Федерациямиз бу ишда уларга ёрдам беришга доимо тайёр. Истеъмолчилар ариза ва мурожаатлари билан жойлардаги таянч гуруҳларига ва маслаҳат марказларига келишлари ва аъзо бўлишлари мумкин. Федерацияга оид маълумотларни **www.antimon.uz** сайти орқали олишингиз, мурожаат билан эса 135-37-82, 134-81-78 телефонларига қўнғироқ қилишингиз ёки интернет орқали **ozppruz@bcc.com.uz** адресига юборишингиз мумкин. Муаммо билан мурожаат қилган истеъмолчилар шикояти тингланади, ўрганилади ва, албатта, ҳал этилади.

## Дараклар

### МАГАТЭ нозирлари Эронга қўйилмайди



***Эрон Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)нинг 38 нозирини мамлакат ҳудудига киришини тақиқлади.***

***МАГАТЭ нозирлари ҳозирга қадар Эрон ядро объектларини мунтазам текшириб келишган. Бироқ 2006 йилнинг 23 декабрида БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан расмий Теҳронга қарши санкция жорий этилгач, Эрон парламенти МАГАТЭ билан алоқаларни қайта кўриб чиқишга қарор қилди.***

### Габи Ашкенази — Исроил ҳарбий штаби бошлиғи

***Габи Ашкенази Исроил мудофаа армияси бош штаби бошлиғи лавозимига тайинланди.***

***52 ёшли генерал-майор Ашкенази ҳозирга қадар Исроил мудофаа вазирлигида бош директор лавозимида хизмат қилиб келган. Мамлакат бош вазири Эҳуд Ольмерт янги қўмондонни лавозимга тайинлар экан, Ливан урушидаги хатолардан сабоқ чиқаришга чақирди.***

***Эслатиб ўтамиз, бош штаб бошлиғи Дан Халуц 17 январь куни Ливан уруши билан боғлиқ текширувлардан кейин ўз ихтиёри билан истеъфога чиққан эди.***

### Хитойнинг энг бадавлат фуқароси

***Forbes журнали гонконглик миллиардер Ли Кашинни Хитойнинг энг бой кишиси деб топди.***

***22 миллиард долларлик сармоя соҳиби бўлган Ли Кашиннинг компанияси кўчмас мулк, меҳмонхона бизнеси, энергетика, телекоммуникация ва инвестиция каби йўналишларда иш олиб боради.***

***Forbes томонидан тузилган энг бой кишилар рўйхатида Ли Шауки 16,5 миллиард доллар билан иккинчи ўринни эгаллади.***

### Европа мамлакатларининг кўнгли тўлди

***Германия канцлери Ангела Меркель Россиянинг Сочи шаҳрида президент Владимир Путин билан учрашди. Давлат раҳбарлари ўртасидаги музокаралар давомида Германияда Россия ҳамкорлигида газ манбаларини сақлаш омбори қурилишига келишилди.***

***Агар ушбу лойиҳа амалга ошса, Россия газини Европа давлатларига етказиш янада қулайлашади. Қолаверса, табиий ресурсларни етказишда маълум сиёсий сабабларга кўра рўй бераётган узилишлар олди олинади. Шу боис ҳам, ушбу келишув Европа мамлакатларида қониқиш билан қабул қилинди.***

## Робита

# «Ҳамкорлигимиз янада ривожланишига ишонаман»

## Ҳиндистоннинг "Аж" газетаси мухбири Алок ШЕКХАР билан суҳбат

**26 январь — Ҳиндистон Республикаси куни. Замонавий Ҳиндистон давлатчилигига асос солинган бу сана ҳинд халқи томонидан катта байрам сифатида қизғин кутиб олинади. Ана шу байрам баҳонасида мамлакатимизда 16 йилдан буён хорижлик журналист сифатида ишлаб келаётган, Ҳиндистонда нашр этиладиган "Аж" газетаси мухбири Алок ШЕКХАРни суҳбатга чорладик.**

**С. КАМОЛОВ** суҳбатлашди

***— Аввало, ҳинд халқи учун улкан байрам саналган Ҳиндистон Республикаси куни билан қутлайман.***

— Ташаккур. Дарҳақиқат, 26 январь Ҳиндистон халқи учун энг азиз, энг қадрли байрам саналади. Бу кун мамлакатимизда кўп йиллик мустамлака ҳаётидан мустақилликка қадам қўйилгани ва миллий давлатга асос солингани билан биз учун қимматлидир. Шу боис ҳам, ҳинд халқи Республика кунини худди 15 август — Мустақиллик байрами каби катта тайёргарликлар билан билан нишонлайди. Бу кунда мамлакат пойтахти Деҳлида жуда катта тантанали маросимлар ўтказилади. Бундан ташқари, мамлакатнинг ҳар бир штати ва Ҳиндистоннинг хориждаги элчихоналарида ҳам Республика ташкил топган кун хурсандчилик билан кутиб олинади.

***— Сиз кўп йиллардан бери Ўзбекистонда журналистик фаолият билан шуғулланиб келяпсиз. Мамлакатимиз ҳақидаги тассуротларингизни билмоқчи эдик.***

— Ўзбекистон мен учун аллақачон иккинчи ватан бўлиб қолган. Шунча узоқ юртдан келиб айнан Ўзбекистонда, кўп йиллардан бери ишлаб келаётганим тасодиф эмас. Сизлардаги меҳмондўстлик, хорижлик меҳмонларга ҳурмат мени ҳар доим ҳам ҳайратга солиб келган. Оддий мисол. Кундалик харажатлар учун тез-тез бозорга боришга тўғри келади. Харид учун кирган пайтларимда сотувчилар ташқи қиёфадан ҳинд эканимни билишади-ю, дарҳол "Намасте!" дея саломлашишади, хушмуомалалик билан муносабатда бўлишади, меҳмонлик ҳурматим ўз молларни ҳатто арзон нархда беришади. Бундай муносабат, меҳмондўстлик, менимча, дунёнинг бошқа бирор давлатида йўқ бўлса керак. Халқингизнинг самимий ва бағрикенг муносабати мен учун жуда ҳам ёқимли. Агар насиб қилса, Ўзбекистонда иш фаолиятимни бундан буён ҳам давом эттирмоқчиман.

Мана, 16 йилдирки, шу заминда ишлаб келяпман. Бу мамлакатнинг одамларидан гоят миннатдорман. Хабарингиз бор, шу йилнинг 18 мартида Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида элчихона даражасида дипломатик ҳамкорлик ўрнатилганининг 15 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан "Ўзбекистон-Ҳиндистон: ҳамкорликнинг 15 йили" деб номланган ҳужжатли фильм устида ишлаяпман. Ўйлайманки, яқин кунларда тақдимоти бўлиши кутилаётган ушбу ҳужжатли фильм ўзбек халқи ва мамлакатига меҳмондўст муносабат учун ўзига хос миннатдорчилик ифодаси бўлади.

***— Икки мамлакатда ҳам кечаётган воқеаларнинг зийрак кузатувчиси сифатида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида кўп томонлама алоқалар бугунги аҳволини қандай баҳолайсиз?***

— Ўзбекистон ва Ҳиндистон алоқалари жуда қадимий мустаҳкам илдизларга эга. Бу борада биргина шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсини тилга олиш кифоя. Замонавий тарихда ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама манфаат асосида ривожланиб боряпти.

Мустақил Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири Жавоҳарлаъл Неру 1955 йилнинг ёзида Тошкентга келган пайтида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида азалий яқинлик мавжудлигини эътироф этган эди. Ўзбекистон Ҳиндистон учун нечоғлик муҳим ҳамкор эканини мамлакатимиз 1992 йили биринчилардан бўлиб Тошкентда ўз элчихонасини очганидан ҳам билиш мумкин. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Ҳиндистоннинг Тошкентдаги консуллиги 1987 йилда — собиқ Иттифоқ даврида ёқ иш бошлаган эди.

Икки мамлакат ўртасида ҳамкорликнинг ривожланишида давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифи муҳим аҳамият касб этади. Икки давлат ўртасида ҳамкорлик тарихига эътибор қаратсак, 1993 йилнинг майида Ҳиндистон бош вазири Нарасимха Рао Тошкентга келган эди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ҳиндистонга уч марта — 1994, 2000, 2005 йиллари ташриф билан борди. 2006 йилнинг апрелида Ҳиндистон бош вазири Манмохан Сингхнинг Тошкентга келиши икки мамлакат ўртасида кўп томонлама ҳамкорликнинг ривожида янги саҳифа очди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги савдо айланмаси йилдан йилга ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Агар 2003 йили мамлакатлараро савдо айланмаси 108,6 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 150,1 миллионга етди. Шу тариқа иқтисодий жабҳадаги алоқаларимиз равнақ топиб боряпти.

Мамлакатларимиз ўртасида айни пайтда фармацевтика, ахборот технологиялари, самолётсозлик каби соҳаларда манфаатли ҳамкорлик олиб бориляпти. Бундан ташқари, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида маданият, илм-фан, санъат ва спорт йўналишида ҳам фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Таъкидлаш керакки, Ҳиндистон Марказий Осиёда муҳим стратегик ҳудудни эгаллаган давлат сифатида Ўзбекистонни алоҳида қадрлайди. Бироқ давлат раҳбарлари даражасидаги учрашувларда эътироф этилганидек, ҳамкорлик борасида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжуд. Хусусан, икки мамлакат ўртасида сармоявий алоқаларни янада кучайтириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш давр талабидир. Демак, эндиликда ана

шу имкониятлардан самарали фойдаланиш, алоқаларни янада кучайтириш зарур.

***— Охирги йилларда Ҳиндистоннинг халқаро сиёсатдаги ўрни тобора ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Сизнингча, Ҳинд давлати жаҳон сиёсатида катта нуфуз қозонаётганининг асосий омили нимада?***

— Дарҳақиқат, Ҳиндистоннинг халқаро майдондаги ўрни тобора ошиб боряпти. Бу эса, энг аввало, мамлакатнинг бой ўтмиши, катта иқтисодий имкониятлари ва интеллектуал салоҳияти билан боғлиқдир.

Ҳиндистоннинг халқаро алоқалари ривожида Марказий Осиё юраги саналган Ўзбекистон ҳам алоҳида ўрин тутади. Айни пайтда йирик минтақавий бирлашма сифатида Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг нуфузи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Айтиш керакки, Ҳиндистоннинг ушбу ташкилотга кузатувчи мақоми қабул қилинишида Ўзбекистон ва Россия фаол қўллаб-қувватлади.

Умуман, Ҳиндистоннинг халқаро алоқалари ўзга давлатларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик тамойилларига суянади ва биз дунё давлатларини ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлишини истаймиз.

***— Кўп йиллик журналистлик фаолиятингиз давомида Ўзбекистонда юз бераётган воқеаларнинг бевосита ва холис кузатиш имконига эга бўлгансиз. Шу маънода мамлакатимиз журналистикаси хусусидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.***

— Очиғи, бу саволга жавоб бериш бир томондан қизиқ, иккинчи томондан жуда ҳам мураккаб. Ўзбек журналистларининг профессионал маҳоратига қойил қоламан, ҳамкасбларимиз жуда чиройли ва таъсирчан ёзиш маҳоратига эгалар. Шунингдек, ўзбек журналистикасида янги-янги ижодкор ёшларнинг етишиб чиқаётгани ҳам бизни хурсанд қилади.

Бироқ шу билан бирга журналистикада тезкорликни янада кучайтиришни тавсия қилган бўлур эдим. Журналистикада "эртага" деган сўзни ишлатиш мумкин эмас. Ҳамма нарса бугун, тезкорлик билан ҳал этилиши зарур. Шунингдек, журналистларнинг маҳоратини оширишга ҳам эътиборни кучайтириш, умуман, маълум ўзгаришларни амалга ошириш керак.

Қувонарли жиҳати, Ҳиндистон ҳам Ўзбекистон журналистлари малака ва маҳоратини ошириш борасида ҳам ҳамкорлик қилиб келяпти. Масалан, ITEC дастури доирасида ҳар йили Ўзбекистондан 120 нафар турли соҳа вакиллари Ҳиндистонда малака ошириб келишади. Улар орасида ОАВ ходимлари, журналистлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

***— Сиз ишлаётган "Аж" газетаси ҳақида маълумотлар "Hurriyat" ўқувчиларини қизиқтириши табиий.***

— Мен вакил бўлган "Аж" газетасига 1920 йилда асос солинган. Газета машҳур давлат арбоб Лаъл Баҳодир Шастрий туғилган шаҳар — Банорасда нашр этила бошлаган. Ижтимоий-сиёсий йўналишдаги газетамиз Ҳиндистоннинг энг нуфузли 100 матбуот нашри орасида 70-ўринда туради. Албатта, бу минглаб газета-журналлар фаолият юритадиган Ҳиндистон шароитда эътиборли кўрсаткич. Газетамиз бир пайтнинг ўзида Ҳиндистоннинг 12 шаҳрида 14 саҳифа, 1 миллион 200 минг тиражда чоп этилади. Ўқувчиларга қулай бўлиши учун газета нархини 1 рупий даражасида сақлаб келяпмиз. Кўриб турганингиздек, бу жуда ҳам арзон нарх. Яъни бор-йўғи бир долларга "Аж"нинг 46 та сонини сотиб олиш мумкин.

Газетамизда Ўзбекистон ҳақида мунтазам материаллар бериб боришга ҳаракат қиламан. Масалан, "Аж"нинг охирги сонларида 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тайёрланган материал, шунингдек, қадимий Самарқанд шаҳрига бағишланган мақола чоп этилди.

Ўзбек ва ҳинд халқининг маданият ва урф-одатлари жуда ҳам яқин. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ана шу яқинлик замирида истиқболда ҳам ривожланишига ишонаман.

## Таҳлил

# Иқтисодиётни ривожлантириш шарти

## ёхуд қўшма корхоналарнинг самарали фаолиятига тўсиқ бўлаётган омиллар хусусида

**И.МАҲКАМОВ,** иқтисодиёт фанлари номзоди,
**Ф. КОМИЛОВ,** НМИИ талабаси

*Иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида халқ хўжалиги тармоқларига хориж инвестицияларини жалб этиш ва улар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, яъни тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, тиббий ресурсларни ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашади. Юртбошимизнинг иқтисодиётимизга қаратилган деярли барча маърузаларида, айниқса, туман ва вилоятда қўшма корхоналар ташкил этишга даъват қилишлари замирида катта маъно бор.*

Маълумки, қўшма корхоналарни ривожлантириш юқори давлат идоралари томонидан рағбатлантирилиб ва тартибга солиб турилса-да, уларга шарт-шароит яратиш ва аниқ таъсир механизмларини амалга ошириш асосан маҳаллий-ҳудудий бошқарув бўғинларининг вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, айрим ҳудудларда ташкил этилаётган қўшма корхоналарнинг мунтазам ривожланиши учун етарли имконият, хом-ашё ва меҳнат ресурслари, қулай бозор мавжуд бўлиши керак.

Наманган вилояти қўшма корхоналарни ривожлантириш учун қулай ҳудудлардан бири ҳисобланади. Жумладан, мамлакатда, етиштирилаётган мева-сабзавот ва узумнинг салмоқли қисми вилоят ҳиссасига тўғри келади. Бироқ вилоятда меванинг 21, сабзавотнинг 18, узумнинг 30, гўштнинг 28, сутнинг 15 фоизигина қайта ишланади, холос. Бундан ташқари, аҳолининг 62,5 фоизи қишлоқда яшайди. Бу кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, қишлоқда қўшма корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш имконияти ниҳоятда катта.

Бугунги кунда вилоятда 70 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилган бўлиб, уларнинг 53 таси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 10 таси савдо хизмати кўрсатишга, 3 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, 2 таси қурилиш материаллари маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва 5 таси бошқа тармоқларда фаолият кўрсатмоқда. 2005 йилда вилоятдаги қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 41,6 млрд. сўмга тўғри келди. Мазкур корхоналар вилоят саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 24,9 фоизини беради.

Вилоятдаги кичик ва ўрта бизнес корхоналаридан кўпи экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Масалан, Косонсой туманидаги "Нам-кон" кичик корхонаси Исроил технологияси асосида маҳаллий хом ашёдан 6 турдаги мева ва сабзавот шарбатлари ишлаб чиқармоқда. Чортоқ туманидаги "Болажон" хусусий фирмасида 15 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек, Чуст туманидаги "Мармар-Ф" масъулияти чекланган корхона турли хил ўлчамдаги мармар плиталар ишлаб чиқариб, хорижга экспорт қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, юқорида зикр қилинган қўшма корхоналар вилоят ҳудуди бўйича бир текисда жойлашган эмас. Вилоят аҳолисининг 20 фоизга яқини истиқомат қилувчи Наманган шаҳрида қўшма корхоналарнинг 49,3 фоизи, қишлоқ жойларида эса 50,7 фоизи жойлашган. Туманларда эса бу кўрсаткич бир фоиздан ўн фоизгача ташкил этади. Уйчи, Учқўрғон, Мингбулоқ туманларида уларнинг сони камлигича қолмоқда.

Республикамизда, хусусан, Наманган вилоятида ташкил этилган қўшма корхоналар фаолиятида бир қатор муаммоларни кузатиш мумкин. Биринчидан, чуқур иқтисодий ва ҳуқуқий билим ҳамда етарли малакага эга бўлган кадрлар етишмайди. Иккинчи сабаби, кўплаб корхоналардаги мавжуд асосий капитал (фонд)нинг эскириши туфайли меҳнат самарадорлиги нисбатан паст даражада. Бундан ташқари корхоналарга замонавий техника ва технологияларни олиб келишда узилишлар ҳам рўй бермоқда. Ҳамма қўшма корхоналарни ҳам хом ашё ресурсларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган деб бўлмайди.

Қолаверса, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги пастлиги ва уларни экспорт қилишдаги объектив ҳамда субъектив тўсиқларнинг мавжудлиги ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Бизнингча, юқоридаги камчиликлар қўшма корхоналар фаолиятига ва уларнинг иқтисодий тараққиётига тўсқинлик қилмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, республикада ва, хусусан, Наманган вилоятида келгусида хорижий инвестициялар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган кўпгина қўшма корхоналар фаолиятини янада яхшилаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Аввало, хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб этиш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатларига амал қилишни давлат назоратига олиши, қўшма корхоналарни барпо этишда ҳудудлардаги мавжуд ресурсларни қатъий ҳисоб-китоб қилиш, корхоналарнинг мунтазам ишлашини таъминловчи омилларни эътиборга олиш зарур бўлади.

Қўшма корхоналарни ҳудудлараро тенг ташкил этишни таъминлаш даркор. Масалан, қишлоқларда ортиқча меҳнат ресурслари бўла туриб, вилоятдаги қўшма корхоналарнинг 49,3 фоизидан ортиқроғи Наманган шаҳрида жойлашган. Бундай номутаносибликка чек қўйиш керак.

*Шунингдек, ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга муайян имтиёзлар бериш ва улар фаолиятини рағбатлантириш, қўшма корхоналар қуришда энг ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур. Бундан ташқари қўшма корхоналар ташкил этишда хориждан мамлакатимизга эскирган техника-технологиялар олиб келишга йўл қўймаслик, чуқур билимли, юқори тажрибали, мамлакатга содиқ миллий кадрларни тайёрлаш ва улар сонини кўпайтириш ҳам муҳимдир.*

## ННТ

# Имтиёз, имконият ва масъулият

**«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги янги қонун учинчи сектор вакиллари томонидан ана шундай баҳоланди**

***Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш долзарб вазифа ҳисобланади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамияти қуришда муҳим ўрин тутгани боис соҳага доир янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш бугунги кун талабидир.***

***Яқинда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни матбуотда эълон қилинди. Мазкур қонуннинг умумий қоидалари ва мақсадлари нималардан иборат? Янги қонуннинг амалдаги таъсири туфайли истиқболда қандай ўзгариш ва натижалар бўлиши кутилмоқда?***

***Шу сингари саволларга атрофлича жавоб топиш максадида Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясида давра суҳбати ташкил этилди. Қуйида давра суҳбатида билдирилган айрим фикрлар эътиборингизга ҳавола этилади.***

**Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ,** *Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси:*

— Бир асрдан ортиқ вақт мобайнида ННТлари турли даврлар силсиласида бир-бирига ёндош турлича ижтимоий вазифаларни бажариб келди. Мустақил давлатимизда бугунги кунга келиб кенг камровли ижтимоий хамкорликни изчил амалга ошириш мақсади ННТлари фаолиятида таянч нуқта ҳисобланади.

Янги қонун билан чуқур танишиб чиқдим. Ижтимоий ҳимоя нима экани мазкур қонун талқинида муфассал ифода этилганига ишонч ҳосил қилдим. Шу билан бирга, у бизни ижтимоий йўналишлар сари даъват этаяпти. Мисол учун, қонуннинг 4-боби, 11-моддасида: «Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаши мумкин», — дейилган. Жамоат ташкилотлари учун бу катта имконият. Менимча, қонундан кўзда тутилган асосий мақсад — жамоат ташкилотлари ролини янада оширишдир.

**Гулнора ИШОНХОНОВА,** *ассоциация раисининг ҳуқуқий масалалар бўйича ўринбосари:*

— Бутун дунё қонунлардан, ҳар ким эса ўзига дахлдор ҳуқуқий нормалардан манфаатдор. Дейлик, журналист ахборот олиш кафолатлари юзасидан қонуний ҳаракатда бўлади ва иккинчи томонни ҳам шу тариқа муносабатда бўлишга чақиради. Ёки тадбиркорлик фаолияти хусусида ҳам шунга ўхшаш гапни айтиш мумкин. Мазкур қонуннинг асосий мақсади, 3-бобда таъкидланганидек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Қонуннинг 10-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат органларининг ноқонуний қарорлари, мансабдор шахсларнинг қонунга зид ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган. Аҳамиятли жиҳати, ғайриқонуний муносабат устидан судга мурожаат килинганида мазкур ташкилотлар давлат божи тўлашдан озод этилади. Бу ҳам ННТлари учун ўзига хос имтиёз, имконият ва ҳимоядир!

**Нигора ҒАФФОРОВА,** *ёшлар ва аёллар масалалари бўйича раис ўринбосари:*

— Қонуннинг 3-моддасида: «Ушбу қонун, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, нодавлат нотижорат ташкилотларига, шу жумладан, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига нисбатан, агар уларнинг ташкил этилишини ҳамда фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қўлланилади», — дейилган. Қонун ҳаётда ўз ифодасини топмоғи жоиз. Ўзига хос механизм сифатида тармоқлараро оммалашмоғи лозим. Ижтимоий ҳимоя йилида Ассоциация бошчилигида жамоа бўлиб, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш: хоҳ, у тадбиркорлар уюшмаси, ҳокимият ташкилоти ёки сиёсий партия бўлсин, бир мақсад йўлида жонбозлик кўрсатишимиз зарур. Зеро, фуқаролик жамияти қуришнинг қатъий талабларидан бири ҳам шу. Қонун ҳаракатининг самараси ўлароқ, келгусида янада кўпроқ натижаларга эришамиз деб ўйлайман.

*ЎзННТМА ижрочи директори* **Рифат САРБАЕВ** *ҳамда ассоциация халқаро алоқалар ва жамоатчилик билан ишлаш гуруҳи координатори* **Дониёр БОЛТАБОЕВ** учинчи сектор тараққиёти йўлида дадил қадам бўлган мазкур қонун келгусида ассоциация атрофида яна юзлаб нодавлат нотижорат ташкилотлари бирикишига асос яратиши, фуқаролик жамияти механизмларининг самарали фаолият юритишига замин бўлиши тўғрисида мулоҳаза билдирдилар.

Алломалардан бири «Ҳуқуқий асосда қурилган давлатнинг умри узун бўлади» деган эди. Дарҳақиқат, агар жамиятда ҳуқуқий тизим мукаммал бўлса, нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатига нисбатан қонуний баҳо бера олади.

Ишонамизки, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги янги қонун юртимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнига салмоқли ижобий таъсир кўрсатади.

*Манба:* **www.ngo.uz**

**Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди.**
***Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".***

Сўҳбат

# Самарқанд мусаввирлик мактаби

## ёхуд Муҳаммад Мурод Самарқандийдан Ориф Муин Самарқандийгача

**Ўзбекистон Республикаси Президенти 2006 йилнинг 25 июлида Самарқард шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти, буюк сиймолари билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган шаҳарнинг қутлуғ санасини жорий йил – Мустақиллик байрами билан боғлиқ тантаналар кунларида ўтказиш белгиланди.**

**Мазкур қарорда таъкидланганидек, чиндан ҳам Самарқанд қадимий шаҳар маданияти бешиги бўлиб келган. Бу ерда маърифат, маънавият соҳиблари билан бир қаторда моҳир мусаввирлар ҳам етишиб чиқишган.**

**Самарқанд музей-қўриқхонаси директори Нўъмон МАҲМУДОВ билан суҳбатимиз тасвирий санъатда ўз изини қолдирган улуғ санъаткорлар ҳамда уларнинг издошлари ижоди хусусида бўлди.**

Суҳбатдош: **Адҳам ҲАЙИТОВ**

— Ёзма манбалар, сақланиб қолган санъат ёдгорликлари Самарқандда тасвирий санъат қадимдан ривожланганини кўрсатади, — дейди Нўъмон Маҳмудов. — Масалан, Афросиёб деворий расмлари (VII аср) Ўрта Осиёда араблар истилосига қадар маҳобатли рангтасвирнинг ривожланганидан, Самарқанд унинг маркази бўлганлигидан далолат беради. Бу расмлар ҳанузгача бутун дунё санъатшуносларини ҳайратга солиб келмоқда.

Аждодларимизнинг рассомчилик санъати кейинги даврларда ҳам давом эттирилди. Айниқса, Амир Темур ва темурийлар даврида у равнақ топди. Бу даврда Самарқанд йирик маданият марказига айланди, меъморчилик ва китобат санъати беқиёс даражада тараққий этди. Амир Темур боғларидаги саройлар деворларига маҳобатли расмлар ишланган, шоҳона чодирлар тасвирлар билан безатилган, кейинчалик Мирзо Улуғбек даврида ҳам бинолар тасвирий лавҳалар, сюжетли асарлар билан безатилган. Шоҳ, унинг яқинлари ва сафдошлари портретлари, қабул маросимлари, зиёфат, зафар ва жанг лавҳалари, ов ва бошқа манзаралар акс эттирилган.

Ана шундай йирик тасвирий санъат асарларини бажаришга жалб қилинган мусаввирлар ижодиёти натижасида Самарқанд рассомчилик (миниатюра) мактаби шаклланди ва у тасвирий санъатдаги ўзига хос услубий йўналиш касб этди. Бу мактаб XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVII асргача амал қилди. Самарқанд миниатюра мактаби усталари яратган расмларда воқеалар асосан манзара заминида тасвирланган. Романтик тасвирларда Ўрта Осиё табиатига хос манзаралар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, маҳаллий ва халқ қиёфалари ўз аксини топган.

***— Улар ким бўлишган?***

— Самарқанд рассомчилик мактабининг машҳур вакиллари Муҳаммад Мурод Самарқандий, Муҳаммад Носир Самарқандий, Пир Муҳаммад Боғишамолий, Абдужаббор Самарқандий, Дарвеш Самарқандий, Муҳаммад Ҳайдар Самарқандий ва бошқа кўп санъаткорлар ўз ижод маҳсули билан ҳозирги замон мусаввирларини ҳам мафтун этганлар. Бу мактабнинг забардаст рассомларидан бири Муҳаммад Мурод Самарқандий эди. У Табриз, Шероз, Нишопур, Бухоро, Ҳирот рассомчилик мактабларининг илғор анъаналарини давом эттириб, ўзига хос услуби, юксак бадиий савиядаги асарлари билан Ўрта Осиёда миниатюра санъати ривожига катта ҳисса қўшган. Унинг бой меросидан бугунгача Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асарининг 1556 йилда кўчирилган нусхасини безаган 115 та миниатюра етиб келган ва у ҳозир Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланяпти. Шунингдек, Шайх Саъдийнинг "Бўстон" асарига ишланган миниатюраси Дублин (Ирландия)даги Честер Битти кутубхонасида. Муҳаммад Мурод ўз ижодида бадиий усулларни янгилашга интилган. Анъанавий сюжет ва композициялар тузилишидан қочган мусаввир кескин сюжетларни танлаб олиб, кишиларнинг қиёфаларини таъсирчан руҳий ҳолатда бера олган, кам шакллар орқали қўшинлар, уларнинг саркардалари ўртасидаги қизғин жанг лавҳаларини яратишга эришган.

***— Ўша замонларда яшаб, ижод қилган яна бир самарқандлик забардаст мусаввир Муҳаммад Нодир ҳам ажойиб портретчи сифатида эътироф этилган экан.***

— Чиндан ҳам Муҳаммад Нодир ижодиёти эътиборга лойиқ бўлган. У кейинроқ Ҳиндистонга бориб, Жаҳонгир ва Шоҳжаҳон саройида ижод қилган. Муҳаммад Нодир ижодида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон миниатюра мактаблари анъаналари уйғунлашган. Портретларида кишиларнинг руҳий ҳолати, ички оламини ёритишга интилиш сезилади. "Савдогарлар Юсуфни қудуқдан тортиб олмоқдалар" каби кўп шаклли композициялар, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон, шаҳзода Дониёл ва Хусрав, давлат арбоблари Ҳалилуллохон, Иззатхон, Асафхон ўғли Мирзо, Шер Муҳаммад портретларини яратган. Бу асарлар ҳозир Россия миллий кутубхонаси, Британия музейи, Луврда сақланмоқда.

Кейинги замон мўйқалам соҳиблари Самарқанд рассомчилик мактаби анъаналарини ўз даврлари талабларига мос тарзда ривожлантириб бордилар. Уларнинг ижоди илгариги авлод мусаввирлари ижодидан фарқ қилади.

***— Ўша тарихий шахсларнинг, яъни қўли гул мусаввирларнинг ижодларини бугунги кунда кимлар давом эттириб келмоқда? Самарқандлик мўйқалам соҳибларини назарда тутяпман.***

— Самарқанднинг ҳозирги замон рассомлари А. Исаев, М. Саматов, Н. Калонов, А. Темуров ва бошқалар кўпроқ фалсафий мушоҳадалар, шакллар ўйини, ранглар муносабати, ўзига хос композицион ечимларини очиб беришга интилмоқдалар.

Бугунги мусаввирлар орасида Самарқандда туғилиб, унинг рассомчилик мактаби заминида воя етган, ҳозир эса Тошкенти азимда яшаб ижод қилаётган Ориф Муиновнинг изланишлари диққатга сазовордир. О. Муинов аввал Республика рассомлар билим юртини, сўнгра Тошкент театр ва рассомчилик институтини битирган. Ижодий фаолиятини бошиданоқ у



Республика ва халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этган. Унинг асарлари — портретми, натюрморт ёки пейзажми, воқеликни ҳаққонийлик билан содда муболағасиз тасвирлашга интилади. Масалан, "Олтин Ўзбекистон" ёки "Чимгон" асарларини олайлик. Бу асарларни томоша қилган одам рассом пейзажларини ҳавосини ҳис қилаётгандек бўлади. Асарларининг асосий ғояси ер, инсон ва табиатнинг ажралмас боғлиқлиги бўлиб, бу техника асрида одамларга руҳий мувозанат ва уйғунлик бағишлайди.

О. Муинов юзлаб асарларни яратдики, улар мусаввир ижодий кўламининг кенглиги ва улкан меҳнатсеварлигидан далолат беради. Ўз ижодиётида у мумтоз миллий санъатимиз анъаналарини Европа нафис маданияти ютуқлари билан боғлашга интилади ва бу композицион усуллар яхши натижалар бермоқда. Унинг портрет ишлари инсонни ўраб олган дунё билан алоқаларини белгилайдиган мураккаб ҳолатлари ҳақида сўзлайди. Бу расмларнинг нафислик ечимида ҳар гал муаллифнинг воқеликка муносабати, унинг ҳаётий позицияси, эстетик қарашлари баралла намоён бўлади. Айниқса, мусаввир яратган аёллар образлари эътиборга лойиқ. Унинг Тўмарис, Бибихоним, Рухшона, Барчиной, Нодирабегим, Увайсий ва бошқа образлари ор-номус, хирадмандлик билан ажралиб туради. Бу тарихий шахслар либосларининг серҳашамлиги уларнинг оқилалиги, чеҳраларининг очиқлиги, аёллик хислатларини ёполмайди.

Самарқанд фарзанди О. Муиновнинг асарлари ҳозирги пайтда Республикамизнинг музейларидан ташқари Россия, Польша, Германия, АҚШ, Саудия Арабистони, Туркия, Франция, Швейцария, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг музейлари, галереялари ва хусусий коллекцияларида сақланмоқда. Яқинда Самарқанд музейи фондига мусаввирнинг икки асари киритилди.

Кўнгил

# «Дил – нурафшон, иқболим – баланд»

*Одмигина кийинган, ихчам жуссали одам бир оз истиҳола билан эшикни очдида, "Шу ерда янги китоб тақдимоти бўлаётган экан", деди ўктам овозда. Йиғилганлар — лоқайд мухлислару димоғдор талабалар бу зотнинг ношир, жамоат арбоби сифатида "Ўзбекистон" нашриёти, "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ахборот агентлиги сингари нуфузли идора, муассасаларда биринчи раҳбар сифатида фаолият кўрсатган, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Покистон ислом республикасидаги биринчи Фавқулодда ва Мухтор элчиси бўлган, фалсафа фанлари доктори, профессор Наим Ғойибов эканлигига парво ҳам қилмайди. Ҳаётда боқий қадриятларга амал қилиб яшагани туфайли сурат ва сийратини ҳамоҳанг сақлай олган, ибратли умр йўлига эга устозимиз илмий-ижодий фаолиятининг бугунги босқичида назмга меҳр қўйиб, туйғуларини шеърда ифодалашга ҳаракат қилибдилар. Қуйида улардан намуналар ўқийсиз.*

**Наим ҒОЙИБОВ**

### Чархпалак

***Кўз юмди волидам ёруғ оламдан,***
***Изтироб чекдим ҳаддан зиёда.***
***Бундайин ғуссани билмагандим ҳеч***
***Пайғамбар ёшича яшаб дунёда.***

***Юпатиб,***
***— Бас энди, — деди бир дўстим, —***
***Онадан ажралган бир сенми, холос?***
***Авлод-аждодлардан қолган-ку ҳикмат:***
***Ота-она ўтмоғи азалдан мерос.***

***Биламан, ҳасратинг бисёрдир чандон,***
***Жудо бўлдинг ахир дуогўйингдан.***
***Хаёлингда гўё шамолдай учиб,***
***Файзу барака ҳам кетди уйингдан.***

***Лекигин дўстгинам, — деди яна у, —***
***Қалбингни босмасин зулмат ила ўй.***
***Бетўхтов айланиб турган оламда***
***Ўзингсан болангга энди дуогўй.***

### Мухбир саволига жавоб

***Йўлим тушиб она шаҳримга***
***Боз айланиб борганимда бир,***
***Жаҳон аро кўрганларимни***
***Сўраб қолди газетчи мухбир.***

***— Эй, биродар, — дедим мен унга, —***
***Кўрганларим эмас унча оз.***
***Майли, ёзгин, сўзлаб берайин***
***Саргузаштли дамлардан бир оз.***

***Гоҳ-гоҳида сафарга чиқиб,***
***Тоғу тошу дарёлар кечдим.***
***Фақат, айтай, сайёҳсифатмас,***
***Иш вазифам, юмушим ечдим.***

***Эсимда бор Гоби даштида***
***Уззукунлар юрганим толиб.***
***Ҳиндда "Лаъл қалъа", Тожмаҳал***
***Лол қолдирган ақлимни олиб.***

***Турк элида бўлганман меҳмон,***
***Ўзбегим санъати авж олди баланд.***
***Мавлавий нурли даҳосидан***
***Шодлик аро бўлдим баҳраманд.***

***Сирлашганман поляк дўстлар-ла,***
***Ноширликнинг амал-корини,***
***Кўрганим бор туздан ўйилган***
***Краковда шифо ғорини.***

***Борганман Олмон ўлкасига ҳам,***
***Хиром этди "Баҳор" рақслари.***
***Қандай бўлса шундайлигича***
***Олмон уйида қолди акслари.***

***Сиэтлнинг чаманларида***
***Ўзбекона юрганман шаҳдам.***
***Кўрганман осмонтенг Нью-Йорку***
***"Озодлик" маъбудасин ҳам.***

***Чех, мадъяр, болгар дўстларим***
***Қучоқ очиб мени кутганлар.***
***Яна дийдор кўришайлик деб,***
***Даста-даста гуллар тутганлар.***

***Қадим аждод изларин кўриб,***
***Данияда ҳайратда қотдим.***
***"Сув париси" маконида мен***
***Бир сония фикрим йўқотдим.***

***Уч бор қилдим Чин сари сафар,***
***Кўҳна Циан — шаҳри муҳташам.***
***Ҳайратлидир сарфланиб қотган***
***Ер остида суворийлар ҳам.***

***Бирида бўлганим ажиб диёрдир,***
***Номи унинг аталмиш Шинжон.***
***Фарғона янглиғ чиройи бордир,***
***Миришкору ғазалхон Турфон.***

***Япон сари қилганман сафар,***
***Кўрдим улар иш-амалларин.***
***Тасаннолар айтасиз сўзсиз,***
***Англаб япон тамойилларин.***

***Шиддат ила умрим уч йили***
***Кечди Покистон тупроғида.***
***Элчи шаънин кўтариб юксак,***
***Бўлдим унинг кенту боғида.***

***Кўрганларим барчаси гўзал,***
***Ўз элига буюрсин фақат.***
***Менинг эса ўз Ватаним бор,***
***Ўзим учун гўзалдир беҳад.***

***Ўзбекистон — Ватаним менинг,***
***Номус-орим ҳам ифтихорим.***
***Муқаддасдир мен учун шаксиз,***
***Киндик қоним томган тупроғим.***

***Асрлар қатида излари қолган***
***Қадим Кармана бешигим менинг.***
***Олам аро кезсин деб ўғлим,***
***Кузатиб қўйган эшигим менинг.***

***Шундай элнинг фарзанди бўлмоқ***
***Менинг учун шараф ҳамда шон.***
***Шу сабабдан иқболим баланд,***
***Дил-хазинам доим нурафшон.***

## Бахс

Тамал ва Идрис кавбойлар ҳақида кино кўраётганди. Бир пайт кавбойлардан бири жарликка қараб от чоптириб қолди.

— Ҳозир у жарга от-поти билан қулаб кетади, — деди Идрис. — Сен билан гаров бойлашим мумкин, 10 миллион лира!

— Келишдик, — кўна қолди Тамал. — Менимча, қуламайди.

Ҳали улар тортишувни тугатмай туриб кавбой жарликка тушиб кетди. Тамал ноилож чўнтагидан 10 миллион лира чиқарди. Идрис эса пулни олмади:

— Олсам номардлик бўлади, — тушунтирди Идрис. — Чунки мен бу кинони олдин ҳам кўргандим.

Тамал ҳам бўш келмади:

— Мен ҳам кўрганман. Лекин анави анқов кавбой жарликка яқинлашаётганида, олдинги хатосини такрорламаса керак деб ўйлагандим.

Турк тилидан **Ф. ЖАББОРОВ** таржимаси

**Жаҳонгир МИРЗО чизган**

## Ҳафта Ҳикмати

*Аждодларинг шуҳратига суянма, ўзингга ўзинг шуҳрат топ.*

**Исмоил СОМОНИЙ**

# «Болалар дунёси»

**Наманган вилояти Халқ таълими бошқармаси ва таҳририят ижодий жамоаси муассислигидаги болалар ва ўсмирлар газетаси бўлиб, 1999 йил 29 октябрда Наманган вилоят ҳокимлиги қарори билан ташкил этилган. "Болалар дунёси" 2000 йил 8 январдан бошлаб ҳар ойда икки марта чоп этиляпти. Унда Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида лицей, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги тарбияланувчилар ҳамда ўқувчиларга берилаётган эътибор атрофлича ёритилади, ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, чин инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Иқтидорли, билимдон болаларга газета саҳифаларида кенг ўрин ажратилади. "Болалар дунёси" айни пайтда 21000 нусхада чоп этилмоқда. Ва бу кўрсаткич ой ўтган сайин янада кўпайиб бориши аниқ.**

*"Болалар дунёси"га 2007 йил учун обуна йил бўйи давом этади. Азиз муштарийлар, вақтни ганимат билиб биз билан бирга бўлинг! Обуна барча почта бўлимлари ва "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг бўлимларида амалга оширилмоқда.*

**Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 5036**

**"Болалар дунёси" газетаси таҳририяти**

Тарих

# Илоқ хазинаси

**Холбек СУЛАЙМОНОВ,** археолог

Бистепа ёдгорлигининг жанубий қисмидан топилган танга синчиклаб тозаланганидан кейин, унда Қуръон оятларидан суралар, олд тарафида эса ҳукмдорнинг номи битилгани маълум бўлди. Оғирлиги 5 гр, ҳажми 3,2 х 3,5 см соф кумушдан ишланган. Мазкур танга олти юз йил олдин, яъни Мирзо Улуғбек даврида зарб қилинган бўлиб, бизга узоқ ўтмишимиз, қадим шаҳарлардаги савдосотиқ ҳамда Ўрта аср араб тарихчилари томонидан ёзиб қолдирилган "Илоқ хазинаси" тўғрисида гувоҳлик беради.

Бистепа ёдгорлиги Бўка туман марказидан 8 км жанубий-ғарбда жойлашган Хўжақўрғон маҳалласида бўлиб, ярим ой шаклида, маданий қатлами 20 метрдан ошиқ, даврий санаси IX-XV аср. Маҳаллий ҳукмрон қўрғони, савдо йўлидаги кичик шаҳар вазифасини ўтаган, тарихи бевосита Илоқ воҳаси билан боғлиқ бўлган.

Илоқ ҳукмронлари "Илоқ деҳқони" унвони билан юритилиб, катта иқтисодий ва сиёсий мавқега эга бўлган. VI-VII асрдан Шошга қўшилган. VIII асрда араб халифалиги тасарруфида бўлган. IX-X асрларда Сомонийлар давлатининг таркибига кирган. Араб тарихчилари Истахрий, Муқаддасийлар Ўрта асрларда Илоқ воҳасида 17 та шаҳар борлигини қайд этиб ўтганлар.

Мўғуллар истилосидан сўнг Илоқ ерлари жалойирлар қабиласи тасарруфига ўтган. Амир Темур ва темурийлар даврида Илоқ воҳаси қайта ривожланиб, янги

шаҳарлар (Шоҳруҳия) барпо этилган.

Давлатнинг иқтисодий, сиёсий ривожланишига таъсир этувчи Илоқ конлари — жанубий Чўтқол ва Қорамозор тоғларида жойлашган. Бу конлардан олтин, кумуш, феруза, мис, қўрғошин, қалай, турли рангли жавоҳирлар, бўёқ ҳамда чинни тайёрлашда ишлатиладиган гил қазиб чиқарилган. Илоқ конлари нодир металлари, айниқса, юқори сифатли кумуши билан шуҳрат қозонган.

Шарқ географлари Илоқ конини Афғонистондаги машҳур "Янги Панжишир" кони билан тенглаштириб, уни шу ном билан атаганлар. Шунингдек, улар бу ерда Кўҳисим (Кумушкон) кони борлигини қайд этишган. Берунийнинг "Минералогия" асарида Илоқ конлари "Феруза кони" номи билан тилга олинади.

Илоқ зарбхонаси Ўрта асрларда Илоқ пойтахти Тункат шаҳрида мавжуд бўлган (VIII аср). Илоқдаги "Маъдан аш-Шош" зарбхонасида VIII-IX асрларда кўплаб кумуш дирҳамлар зарб этилган. Тангаларда соф кумушнинг кўплиги сабабли Илоқ тангалари IX асрда бошқа мамлакатларга ҳам тарқалган. Археологик қазиш ишларида шимолда Швеция ва Норвегиядан тортиб жанубда Арманистонгача бўлган ҳудудда Илоқ тангалари, хазиналари топилган. Тарихий манбаларга кўра X асрда Моваройннаҳрда давлат зарбхонаси фақат Самарқандда ва Илоқ пойтахти Тункатдагина бўлган. Илоқ зарбхонасида маҳаллий муомалалар учун мисдан, умумдавлат хазинаси учун қимматбаҳо металлардан зарб қилинган дирҳамлар халқаро савдода фаол иштирок этган. Темур ва темурийлар даврида Тошкент воҳасининг Бинкент ва Шоҳруҳия каби шаҳарлари иқтисодий йирик марказлар ҳисобланган.

Карвон йўлининг ўлка орқали ўтиши Чоч ва Илоқда ички ва ташқи савдосотиқнинг кенгайиб, шаҳарларнинг гавжумлашишига имкон беради. IX-X асрларда Олд Осиёни Мўғулистон ва Хитой билан туташтирган қадимги карвон йўли Тошкент воҳасидан ўтарди. XV асрда темурийлар давлати Ғарб ва Шарқ давлатлари билан мунтазам савдо-сотиқ ишларини олиб борар, халқаро савдо пулида кумуш дирҳамлардан кенг фойдаланилар эди.

Юқорида келтириб ўтилган манба ва маълумотларга асосланиб, Бистепа ёдгорлигидан топилган кумуш танга темурийлар даврига оидлиги ҳамда Илоқ конларидан қазиб олинган қимматли маъданлардан Самарқандда зарб қилинганлиги маълум бўлади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Ўзбекистон матбуоти» журнали ва «Hurriyat» газетаси жамоаси уюшма аъзоси, «Ўзбекистон матбуоти» журнали масъул котиби Шуҳрат Муродовга падари бузруквори **Рўзи ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'ZINGNI ANGLA!
HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.
Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 30
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г-51 Т: 4160 1 2